

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**518** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида («Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сон Қонуни)

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–300-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 13 декабрь,  
328-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 13 декабрдаги 328-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкини баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Корхонанинг мол-мулки тугатиш ишлари давомида охириги ошқора савдолар ўтказилгандан кейин уч ой мобайнида олди-сотди шартномаси асосида сотилмаган тақдирда, келгусида корхонанинг мол-мулкини тасарруф этиш «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 142<sup>1</sup> ва 143-моддаларида назарда тутилган тартибда суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Суд бошқарувчилари тўғрисидаги низомда:

а) 55-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
қарздорнинг мол-мулки тўғрисида «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 142<sup>1</sup> ва 143-моддаларида назарда тутилган маълумотлар»;

б) 56-банднинг иккинчи хатбошидаги «бир ой» сўзлари «ўн беш кун» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 11 июндаги 160-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 45-модда) 2-бандининг учинчи хатбошидаги «ўн кун» сўзлари «етти кун» сўзлари билан алмаштирилсин.